Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
31 ИЮЛЬ, 1969 й.
ПАЙШАНБА
№ 177 (941)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

КПСС Ульяновск область комитети, меҳнаткашлар депутатлари область Советн ижроия комитети Россия Федерациясида ўзбек адабиёти ва санъати декадаси вақтида В. И. Ленин туғилиб ўсган шаҳар меҳнаткашларининг қардош ўзбек халқи маданияти, санъати ва адабиёти билан, унинг талантли намояндалари билан кенг таниш. шиб чиқиш имконини берганликлари учун Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига самимий миннатдорчилик изҳор қиладилар.

Ульяновск шаҳрида ўзбек адабиёти ва санъати кунларининг ўтказилиши совет Ўзбекистонининг шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданияти ҳар томонлама ривожланиб. гуллаб-яшнаганлигини исбот этувчи янги далил бўлди.

Ульяновск шаҳри ва области меҳнаткашларининг Ўзбекистон маданияти ва санъати атоқли арбоблари билан илиқ ва самимий учрашувлари ульяновсклнклар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади ҳамда қардош ўзбек халқи билан бузилмас дўстининн янада мустаҳкамлашга хизмат қиладн.

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари эришган ажойиб муваффақиятлар барча совет кишиларини қувонтирмоқда, ҳар бир совет кишисининг қалбида кўп миллатли қудратли Ватанимиз учун, бизни коммунизм йўлидан дадил бошлаб бораётган ленинчи партия учун ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси. нинг Ульяновск область комитети, меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитети совет Ўзбекистонининг маданият, адабиёт ва санъат ходимларига, республиканинг барча меҳнаткашларига республика экономикаси ҳамда маданиятини ривожлантиришда, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришда янги-янги муваффақиятларга эришувларини тилайдилар.

КПСС УЛЬЯНОВСК ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

1969 йил, июль.


◆ *В. И. Ленин Марказий музейининг филиали қурилишида*

МУЗЕЙ—ШАҲРИМИЗ ЧИРОЙИ

Дунё меҳнаткашларининг буюк доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб олдиндан бунёд этилаётган доҳий номидаги марказий музейининг Тошкент филиали биносининг учинчи қавати тикланди.

Музейни бунёд этишда 11-«Висотстройнинг 69-қурилиш бошқармаси Москванинг 901-қурилиш поезди, 1-пардозлаш трестининг 20-бошқармаси, «Ўзэлектромонтаж»нинг 1-бошқармаси коллективларн қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажаришяпти.

П. Костепенко ва М. Ҳабибуллаев бошлиқ монтажчилар бригадалари азаматларни қурувчиларга ўрнак кўрсатиб меҳнат қиляпти.



СУРАТДА: Карл Маркс ва Киров кўчалари бурчагида қурилаётган улкан «Осиё» ресторани қурилиши.



Шу кунларда Тошкентдаги абразив комбинатида кўпгина ёш ишчилар ишламоқда.

СУРАТДА: корхонага яқинда ишга келиб токарлик касбини эгаллаётган ёш ишчи Қундуз Мирсаидова.

М. Нуриддинов фотолари.

ОММА ОВОЗИ

Хатга эътибор — халққа эътибор, деган нақл бор элимизда. Бу — бежиз айтилмаган. Хат умумхалқ овози, орзу-истаклари. келажак ҳақидаги режалар ёки кундалик ишимизда содир бўладиган айрим муқсонларимизни очиб беришга кўмаклашадиган зарур воситадир. Бинобарин, идора ва ташкилотлар томонидан кунда олинадиган шикоят ва хатларни синчиклаб ўрганиш, унга ўз вақтида эътибор бериш, шу хатнинг тақдири ҳақида ёзган кишини хабардор қилиш кундалик ишимизнинг ажралмас қисмидир.

Меҳнаткашларнинг шикоят ва хатларига ана шундай сезгирлик билан муносабатда бўлаётган уни жавобсиз ва оқибатсиз қолдирмаётган ташкилот ва муассасаларда иш кўнгилдагидек олиб борилмоқда, шикоятчиларнинг қабулхоналарда соатлаб кутиб ўтиришига бу ерларда кескин барҳам берилмоқда. Бирок барча ташкилотларда меҳнаткашларнинг шикоят ва хатлари ана шундай қаралмоқда, деб бўлмайди. Кўпгина ташкилотлар меҳнаткашлардан тушаётган хат ва шикоятларни беш кун мобайнида кўриб чиқилиши ва бир ой мобайнида узил-кесил ҳал этилиши зарурлигини унутиб қўймоқдалар ва бунинг оқибатида хат автори мазкур ташкилотга иккинчи, ҳатто учинчи марта мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда. Бу ҳол айниқса Октябрь район ижроия комитетида яққол кўзга ташланмоқда.

Район ижроия комитети ўй-жой бўлимига ҳатто 1968 йилда келган қарийб юзта хатнинг ҳануз ҳал қилинган ёки қилинмаганини аниқлаб бўлмаганини нима деб баҳолаш мумкин? Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида келган беш юздан ортиқ хатдан салкам икки юзтасига ундаги шикоятлар ҳал қилинган кун белгилаб қўйилмаган. Бу — район ижроия комитетида меҳнаткашлар хатлари билан ишлаш ҳамон нормал йўлга қўйилмаганидан далолат бериб турибди.

Меҳнаткашлар хат ва шикоятларини кўриб чиқишда бошқа район ижроия комитетларида ҳам шундай фактларни учратиш мумкин. Киров район ижроия комитетига 1968 йил апрель ойидан 1969 йил апрель ойигача тўрт юздан ортиқ киши бир шикоят бўйича иккинчи марта мурожаат қилишга мажбур бўлган. Чилонзор район ижроия комитетига эса фақат шу йилнинг биринчи кварталидагина ҳал қилинмаган масалалар бўйича 49 киши иккинчи марта мурожаат этган. Бу— меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларига юзаки қараладиганини ёки асосланмаган жавоб қайтарилаётганининг ёркин ифодасидир. Чунончи Октябрь, Ҳамза, Чилонзор районларига уй-жойларини ремонт қилишни сўраб ёзилган хатларга бир қолипдаги, ҳеч кимни қаноатлантира олмайдиган жавоблар қайтарилмоқда. Лекин район коммунал хўжалиги бўлимида эса меҳнаткашлардан олинган айрим хатлар умуман йўқотиб юборилган. Октябрь, Киров район ижроия комитетларида ҳам шундай фактларга йўл қўйилганлиги кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Ҳар бир хат ортида ёзган киши борлигини у ўз ариза ва шикояти ҳал этилишини кутаётганлигини сира унутмаслигимиз лозим. Хатларга тўғраларча муносабатда бўладиган, уни ҳал этишга панжа орасидан қараб, ҳафталаб чўзиб юрадиган масъулиятсиз ходимларга нисбатан қатъий чора кўрилмоғи зарур. Район ижроия комитетларининг раҳбарлари меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари ҳаракатини шахсан назорат остига олишлари, уларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатишлари керак.

Бугун хўжалигимиздаги турли-туман масалаларни ҳал этиш учун жон-дилдан тайёр турган юзлаб жамоатчи активларимиз, район, шаҳар советларининг депутатлари ижроия комитетларининг энг яхши ва ишончли кўмакдошларидир. Ана шу катта кучдан окилона фойдаланилаётган юзлаб хатларни тез ва пухта ҳал этишнинг қулай воситасидир. Гап ижроия комитетларидаги масъул ходимларнинг бу ишни тўғри уюштира билишларидадир.

Район ижроия комитетлари, шунингдек бошқа ташкилот ва муассасалар меҳнаткашлар хат ва шикоятларини ҳисобга олиш юзасидан қатъий тартиб ўрнатишлари, буларнинг ҳал этилишини қаттиқ назорат остига олишлари зарур.

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашлар хат ва шикоятларига ҳамиша алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу — хат ва шикоятларга катта масъулият ва эътибор билан қарашни тақозо этади. Ҳеч бир хат ва шикоят оқибатсиз қолмаслиги, у узил-кесил ҳал этилиб, ўз вақтида жавоб қайтарилиши керак. Шундагина биз СССР Олий Совети Президиумининг граждапларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги 1968 йил 12 апрелда чиқарган фармонини сўзсиз бажарган бўламиз.

Ҳар бир хат ва шикоят диққат марказимизда бўлсин, уни оқилона ҳал этайлик!

◆ *Эртага кириш имтиҳонлари бошланади*

ИЛМГА ЧАНҚОҚ ҚАЛБЛАР

(РЕПОРТАЖ)

— Мумкинми! Қаерликсиз!

Чеҳрасида жилва балқиган қиз ёнида навбат кутиб турган қиздан сўради.

— Фарғонадан, исмим Мамлакат. Узингизчи, дугонажон!

— Мен Сурхондарёдан. Раъно.

Икки тенгдош, икки абитуриент дугона тутинишди.

— Қайси институтга ҳужжат топширдингиз! —сўрайди Мамлакат.

— Университетга.

— Мен ҳам.

Уларнинг оддий таништуви, оддий суҳбатдан бир-бири билан абадий дўстлик, яқинлик пайдо бўлмайди, дейсизми! Иккаласининг мақсадлари бир — университетга кириш, олий маълумот олиш, коммунизмнинг актив қурувчиси бўлиб етишиш. Бу эзгу ният уларнинг ҳамроҳи, энг биринчи орзуси!

Дарвоқе, икки дугона суҳбати денгиздан томчи. Шу кунларда жонажон шаҳримизнинг қаерида бўлманг дугоналар баҳси, дўстлар тортишувини кўрасиз. Ҳа, шаҳримиз олий ва махсус ўқув юртларига республиканинг турли бурчакларидан илмга чанқоқ ёшлар келганлар...

Биз абитуриентларнинг дарс тайёрлаш, кириш имтиҳонлари бўйича фанлардан лекция ўқиётган штаби — «Билимлар уйи»дамиз. Дарҳақиқат, бу ер ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Бўлажак фан ҳамкатлари эрталабдан кечгача атоқли олимлардан, ўқитувчилардан махсус лекциялар эшитишди, ўз билимларини мустаҳкамлашди, кириш имтиҳонларига ҳар жиҳатдан пухта тайёрланишди. Бу ерда ёшлар учун турли фанлардан 800 соат лекция ўқилди...

Тошкент — студентлар шаҳри. 16 олий ва 28 махсус ўрта билим юртларига минглаб студент ва ўқувчилар қабул қилинади.

ЭРТАГА УЛАР УЧУН КАТТА СИНОВ!

К. НОРМАТОВ.

ЁШ ДЕНГИЗЧИЛАР

Кеча

М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида «Огонёк» пионер лагерининг ҳарбий-денгиз флотига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Кечада Болтиқ денгизи флотининг штурманчилари Улуғ Ватан уруши қатнашчилари С. Куренной, В. Дворяниновлар қаҳрамонона сўроили йиллар ҳақида пионерларга ҳикоя қилиб беришди.

Тантанали кечада Фестиваль ва «Дружба» номли икки отряд пионерлари ўртасида савол-жавоб, топишмоқ мусобақалари бўлиб ўтди.

Академия янгиликлари

Янги институтлар

Жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига республикамиз фан аҳли вакиллари яна 7 та замонавий жиҳозланган илмий-текшириш институти биносини қабул қилиб олишади. Бу кўркам ва миллий архитектура намуналари асосидаги иморатларни «Главташкентстрой»га қарашли 4, 6, 9-қурилиш монтаж трести коллективи бунёдкорлари қурмоқда.

Янги биноларга келгусида физика-техника, ботаника, ўсимликлар биологияси, зоология ва паразитология, механика, химия институтлари ва микробиология бўлими жойлашиши назарда тутилмоқда.

Сейсмология станциялари

Куни-кеча Академия шаҳарчасида 142 хонали 3 та бино қўриб битказилди. Бу ҳашаматли бинолар яқинда фойдаланишга топширилади. Бўлажак олимлар учун мўлжалланган бу кўркам биноларда дарс тайёрлаш, лекциялар эшитиш, суҳбатлар ўтказишга барча қулайликлар муҳайё қилинади. Албатта, бу идмий изланишлар тадқиқотлар учун жуда муҳимдир.

Академия шаҳарчаси ётоқхоналари учун 1000 номерга эга бўлган автомат телефон станцияси шу кунларда монтаж қилиняпти.

Фан—аҳлига

Янгийўл, Қумариқ ва ТошГРЭС посёлкаларида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси учун 3 та сейсмологик тадқиқотларни ўтказиш марказн — станциялар қурилиши бошлаб юборилди.

Бу станциялар қурилишини 9-қурилиш трести қурувчилари жадал суръатларда давом эттирмоқда.

Пластинкада Ленин сўзлари

Кеча

«Мелодия» Бутуниттифоқ граммпластинка фирмасининг Тошкентдаги заводи Ленин тематикаси бўйича янги пластинкалар ишлаб чиқаришга киришди.

Пластинкаларга В. И. Ленин нутқлари, Н. К. Крупская ва М. И. Калинин сўзлари ва доҳий ҳақида Совет Иттифоқининг биринчи комиссарлари М. А. Коллантай, М. И. Подвойский, М. В. Криленко ва бошқаларнинг эсдаликлари ҳам ёзиб олинган.

Заводда бундай пластинкалар ишлаб чиқариш, доҳийнинг юз йиллик тўйига муносиб совғадир.

О. АҲРОРОВ.

ҲАЛҚАРО ГАЗЕТАЛАРДА

◆ РСФСРда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси тамом бўлай деб қолди. Декада қатнашчилари Горький ва Қозонда бўлиб, республика меҳнаткашларининг самимий саломларини Ильич ҳамшаҳарлари —Ульяновск аҳолисига топширганларидан кейин кеча Москвага келишди. Декада қатнашчиларини Кремлдаги съездлар саройи кутиб турибди. Бугун Съездлар саройида республика санъат усталарининг якунловчи концерти ўтказилади.

◆ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан савдо ва умумий овқатланиш ходимларидан бир группаси Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида узоқ йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерлиги билан мукофотланди.

◆ Ленинча меҳнат вахтасида

Меҳнат симфонияси жаранглайди

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига қарашли Ҳаким Ғофуров бошлиқ 1-юк ортиш ва тушириш механизациялашган дистанцияси ходимлари беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун қизғин курашаётган коллективлардан биридир.


Дистанциянинг оловқалб ишчилари доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тўйини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олишга астойдил бел боғлашган. Улар Олмаотадаги юк ортиш ва тушириш дистанцияси коллективи билан ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилишяпти.

Дистанцияда Николай Сошкин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларн пешқадамлик қилмоқда. Улар ҳар ойлик план топшириқларини 180-200 процентгача адо этишаётир. Бу ишда бригаданинг Ж. Мирбоев, В. Молабаженко, В. Косов сингари фидокор ишчиларининг айниқса ҳиссаси катта бўлмоқда.

Шунингдек, дистанциянинг коммунист П. Келдибоев, В. Першин бошлиқ бригада аъзолари ҳам ленинча меҳнат вахтасида турибишлаб, ойлик план топшириқларини оширib адо этишмоқда.

Ҳуллас, бу корхонада меҳнат симфонияси кечаю-кундуз янграйди. Ишчилар кечки сменаларда ҳам кундузги сменадошларн сингари план топшириқларини ортиғи билан адо этишаётир.

Ж. РАЗЗОҚОВ,
Э. ОХУНЖОНОВ.



СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Н. Сошкин. Юқорида эса вагондан юк туширish пайтн тасвирланган.

АВТОРЛАР фотоси.



БЕЖИРИМ ВА МУСТАҲКАМ

Кеча

Трикотаж саноати институти илмий ходимлари Тошкент трикотаж фирмаси инженер ва ишчилари билан ҳамкорликда трикотаж матолар тикишнинг янги усулини ишлаб чиқишди. Бу эса кийимларнинг чиройли ва бежирим бўлишини таъминлайди.

Тикув цехида шу усул қўлланилиб, бўяш ишлари ҳам тадбиқ қилиняпти. Бу янги технологик процесс трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришда жуда қўл келади.

◆ *Бир корхона янгиликлари*

Қардошлар учун

Музика асбоблари фабрикасининг қўли гул усталари Урта Осиё республикалари музика ихлосмандлари буюртмаларини ҳам кўнгилдагидай бажаряпгилар.

Улар яқинда қорақалпоқ дўстларга 250 та қорақалпоқча дутор, қомуз ва қиёқлар совға қилдилар. Шу ойнинг охирларида қардош Туркманистон ССР буюртмаси тайёр бўлади. Улар учун 350 дона миллий чолғу асбоблари жўнатилади.

Унвон муборак

Фабрика партия комитети ва касаба союз ташкилоти илмий совет билан кенгашиб, энг яхши асбобсозлар учун «1 классли музика асбоблари бадиий устаси» деган шарафли унвон жорий этди.

Узоқ муддатлик самарали меҳнатлари, сифатли маҳсулотлари учун ва ярим йиллик топшириқни оширib, бажарган фабриканинг 10 та моҳир устаси бу унвонга биринчи бўлиб сазовор бўлишди. Мансур Мирзаев, Салоҳиддин Тўлаганов, Тальят Убайдуллаев шулар жумласидандир.

А. ИСМАТИЛЛАЕВ,
штатсиз мухбир.

чет элларда

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА ЖАНГЛАР

ХАНОЙ, 29 июль, (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ Озодлик Қуролли Кучлари бўлинмалари Америка—Сайгон қўшинлари позициясига ҳужум қилмоқдалар ва муҳим стратегик пунктларни — аэродромларни, база лагерларни, ҳарбий омборларни артеллерийдан ўққа тутмоқдалар. Улар агрессорларнинг солдат офицерларига ҳамда техникасига катта талафот етказмоқдалар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Тху Заумот вилоятида 15 июлдан 20 июлгача ўтган давр ичида душманнинг 750 дан кўп солдат ва офицерини сафдан чиқардилар. Бундан ташқари ВИА агентлигини озодлик матбуот агентлигига таяниб хабар беришича, ватанпарварлар 160 дан зиёд ҳарбий машинани йўқ қилганлар, 8 та ҳарбий кемани сувга ботиргандар ва 4 та самолётни уриб туширганлар.

Халқ Озодлик Қуролли Кучларининг жангчилари Тхнатхиен вилоятидаги Виа районида бир хафта ичида Америка—Сайгон қўшинларидан 200 дан зиёд ҳарбий хизматчини ўлдирганлар ёки яраdор қилганлар ҳамда 3 та самолётни уриб туширганлар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 16 июлга ўтар кечаси Бинь-дин вилоятининг маъмурий марказига ҳужум қилдилар. Ватанпарварлар операцияни муваффақиятли ўтказганликлари натижасида Америкаиинг 120 дан кўпроқ солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, кўп миқдордаги ҳарбий техникасини йўқ қилдилар.



ВЬЕТНАМ Демократик Республикаси меҳнаткашлари 1969 йил давлат планини муддатидан илгари бажариш иштиёқида самарали меҳнат қилмоқдалар. Яқинда меҳнатда қўлга киритилган улкан галабалар учун ВДР ҳукумати 3598 ишлаб чиқариш коллективларига социалистик меҳнат коллективи деган фахрли ном берди. Суратда: Ханой тўқимачилик фабрикасининг илғор цехларидан бирида.

В. Кошевой фотоси, (ТАСС).



Шаҳримиздаги Чилонзорнинг 14-кварталида Францияннинг «Камю» фирмаси жиҳозлари лойиҳаси асосида биринчи икки тўққиз қаватли 192 квартирали уй қурилмоқда.
СУРАТДА: тўққиз қаватли янги бинонинг кўриниши.

М. Боржанов фотоси. УзТАГ

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ

Сиз севган гуллар

«Тошкент гуллари» бирлашмаси ташкил топганига ҳали кўп бўлган йўқ. Шунга қарамай, анчагина ишлар қилинди. Бирлашма асосан, ўзининг шаҳардаги павильонларида 30 дан зиёд турли-туман гул сотади.

Бу йил бирлашмага қарашли манзарали боғлар совхозида 400 гектар янги ер очилди. Бу янги ерга эрта кўкламдан гул ва мевали дарахт кўчатларининг энг яхши навлари экиб қўйилди. Кузда бу кўчатлар ҳамшаҳарларимизга сотилади.

Янги уй-жой массивларида бирлашманинг гул павильонлари очиляпти. Кейинги вақтда Сергели, Янгиобод, Бешқайрағоч, Чилонзор даҳаларида, Марказ —4, Марказ—5, Украина микрорайонида, Марказ—13 кварталида «Тошкент гуллари» павильонлари очилди.

Биз Россиянинг Москва, Ленинград, Свердловск, Пермь, Новосибирск, Красноярск, Иркутск, Омск каби ўнлаб шаҳарларига Тошент тупроғида униб-ўсган гул ларни йўллаймиз. Кейинги вақтларда ана шу шаҳарларга 30 минг дона атир гул ва 100 минг дона турли хил гул жўнатилди.

Қ. ВАҚҚОСОВ,
«Тошкент гуллари» бирлашмасининг директори.

Ҳуқуқ билимлари кечаси

Яқинда Урта Осиёда энг йирик ҳисобланган ТошГРЭС нурхонаси қурилишида оила ва никоҳ мавзуида савол-жавоб кечаси бўлиб ўтди. Пойтахт область судининг раиси Мақсудов, республикамиздаги энг кекса ҳуқуқшуноспардан бири, Тошкент Давлат университетининг доценти Н. А. Капустянский, юридик фанлари кандидати М. Эшмова ва бошқа ҳуқуқшунос мутахассислар Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси томонидан тасдиқланган республикамизда оила ва никоҳ қонуни лойиҳаси, унинг авваллиқларидан афсаллиқлари хусусида батафсил гапириб бердилар.

Савол-жавоблар бир—бирига уланиб кетди. Совет оиласи ҳамда никоҳ ҳақида қабул қилинган қонун мавзунда тўла-тўкис тушунча ҳосил қилинган кеча қатнашчилари капиталистик мамлакатлардаги оила ва никоҳ масалаларини билишга ҳам қизиқдилар. Ҳуқуқшунос-мутахассислар бу савол га ҳам жавоб беришди.

Ж. МЎМИНОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ПЛАН НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

Маълумки, ҳар бир партия ташкилоти коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини ошириб боришга доим аҳамият бериши керак. Бу соҳада қайси корхонада иш яхши йўлга қўйилган бўлса, меҳнат унумдорлиги орта боради, давлат плани узлуксиз бажарилади.

Чунончи, КПСС Уставида бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари ҳақида сўз юритилиб, мана бундай дейилади. **Бошланғич партия ташкилоти «коммунистларнинг меҳнатдаги, корхона, колхоз, муассаса, ўқув юрти ва шу сингариларнинг ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётидаги авангардлик ролини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилади».**

Хўш, 5-ғишт заводлар бошқармаси партия ташкилоти бу масалага қандай қарамоқда? Нега бу ташкилот маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини узлуксиз равишда бажаролмай келаётир?

...Бир неча бор қидириб, 5-ғишт заводлар бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ Г. Н. Колесниченкони топиб бўлмади. Шундан кейин биз партком секретарининг ўринбосари М. И. Папиловга учрашдик.

— Корхонангиз давлат планини бажармай келаётир, бу камчиликка чек қўйиш учун партия комитети қандай чора-тадбирлар кўрди? —сўраймиз М. И. Папиловдан.

— Билмайман...

Ўртоқ М. И. Папилов билан бўлган суҳбатдан маълум бўлишича, бошқарма партия ташкилоти коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, шу йўл билан давлат планларини ўз вақтида ўринлатишга етарли эътибор бермаётган экан.

—Завод партия ташкилотларидан қай бирида иш яхши йўлга қўйилган?

Бу саволга ўртоқ Папилов:

— Биринчи ва иккинчи заводда бўлса керак,— деб жавоб берди.

Мана, биз бошқармага қарашли 2-ғишт заводидамиз. Цех бошлиғи Исмоил Мусаев билан суҳбатлаша бошладик.

— Завод шу йил давомида бирор ой бўлса ҳам планни бажардими?

— Йўқ...

— Партия ташкилотида шу масала муҳокама қилиндими?

— Йўқ... Ҳамма иш ўз бўйнимизда.

2-ғишт заводида беш коммунистни ўз сафига бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти бор. Коммунистлар Л. Целгородцевани ўз ташкилотларига секретарликка сайлашган. Иш ана шундан нарига ўтмади. На коммунистлар, на партия ташкилотининг секретари бирор намунали иш қилишни ҳаёлига келтирмабди. Ҳатто, бу ерда бирор марта бўлса ҳам умумий партия мажлиси ўтказилмаган. **«Бошланғич партия ташкилотининг юқори органи—камида ойда бир марта ўтказиладиган партия йиғилишидир»,** — дейилади КПСС Уставида. 2-ғишт заводи партия ташкилотининг секретари Л. Целгородцева нахотки буни унутган бўлса?!

1-ғишт заводидамиз. Бу корхона ҳам ойлик планларни доимо бажармай келаётир.

— Завод бошланғич партия ташкилотининг секретари ким?— сўраймиз цех бошлиғи, коммунист Абдусамад Эшмўҳамедовдан.

— Герасим Николаевич Колесниченко.

— Бу ўртоқ 5-ғишт заводлар бошқармаси партия комитетининг секретари-ку!

Цех бошлиғи ўз жавобидан бир оз ўнғайсизланиб турди-да, сўз бошлади:

— Йил бошида заводимиз коммунистлари Мансур Валиевни бошланғич партия ташкилоти секретарлигига сайлашган эди. Бу ўртоқ бошқа ёққа ишга ўтганидан буён ўрнига бошқа кишини сайлаганимиз йўқ.

5-ғишт заводлар бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари Михаил Иосифович Папилов намуна қилиб кўрсатган ғишт заводлари партия ташкилотиларидаги аҳвол ана шундай. Қолган беш заводда қанчалик иш олиб борилаётганлигини шундан билиб олиш қийин эмас, албатта.

5-ғишт заводлар бошқармаси ўтган ярим йилда пландаги 1 миллион 28 минг сўмлик ўрнига 791 минг сўмлик маҳсулот бериб, планни аранг 70,9 процент бажарган эди.

Ўтган ва бу ойда ҳам бошқармада аҳвол аввалгича қолди. Белгиланган давлат планларининг бажарилишидан ҳамон дарак йўқ. Бу ҳол бошқарма маъмурияти билан бир қаторда партия комитетини ҳам ташвишлантириши керак. Афсуски, шундай бўлмаётир.

У. ЮСУПОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.

КОРХОНАЛАР БИР МЕЪЁРДА ИШЛАСИН!

— Ойнинг бошида хотиржамлик, охирида югур-югур, — дейишади «Ўзбексельмаш» заводида ҳафа бўлиб.

Бу сўзлар ҳозир заводда нималар бўлаётганлигини аниқ ифодалайди.

Бугун ойнинг охирги куни. Механика йиғув цехида сеялкалар, тўкилган пахтани терадиган, кўсак чувийдиган машиналарни йиғиш учун заводнинг ҳамма кучлари сафарбар этилган. Тайёрлаш ва қўшимча ишлаб чиқариш участкаларидаги кишилар ҳам шу цехга сафарбар этилган. Бўлимларнинг мутахассислари, бошқарма ходимлари ҳам шу ерда.

—Июлда ҳам аҳвол яхши эмас, — дейишади ишончсизлик билан корхонанинг планлаштириш ва ишлаб чиқариш бўлимларида.

— Ойлик маҳсулотнинг ярми ойнинг худди сўнгги уч кунида топширилади,— дейди буюртмачи ташкилот «Ўзсельхозтехника» вакили М. Кудрявцев.

Заводда иш ана шундай штурмчилик билан бормоқда. Ишланган, лекин ёриқлари, водан қўйилмаларни вақтида етказиб бермай ишнинг белига тепмоқда.

Ойнинг дастлабки уч ҳафтаси давомида зарур бўлган қўйилмаларининг тўртдан бир қисми ҳам келтирилмади. Редуктор қопқоқлари, экиш аппаратининг қисмлари, шкивлар ва бошқа материаллар етишмайди.

Шартномага мувофиқ «Ташсельмаш» заводи июль ойида 7200 дона втулка ва бошқа узеллар етказиб бериши керак эди. 23 июлгача атиги 1183 та ана шундай деталл келтирилди.

Бироқ «Ташсельмаш» заводидан келтирилган бу қўйилмаларнинг сифати жуда паст. Ҳар беш деталл ва заготовкадан иккитаси браккa чиқмоқда. Бунинг устига деталларнинг камчилиги дарров аниқланмайди. Деталл учтўрт механик операциядан ўтгач, унинг камчиликлари очилиб қолади. Ташлаб юборий ишни қайтадан бошлашга тўғри келади.

Ишланган, лекин ёриқлари, чуқурчалари бўлганлигиу учун ташлаб юборилган шкивлар 5-цехда тоғ бўлиб ётибди. Уларни кўриб бекор сарфланган меҳнатга ачинасан киши. Унинг ёнида чиройли қилиб тахлаб қўйилган деталлар турибди.

— Фрезерчилар ва токарлар бутун смена давомида тайёрлаган маҳсулот, — дейди бошини чайқаб цех бошлиғининг ўринбосари А. Тараненко.

Йил бошидан буён олинган 12165 қўйилмадан 2972 тасини «Ташсельмаш» заводи қуювчиларининг ўзлари брак деб ҳисобладилар. Хуллас бу заводдан етказиб бераётган ҳар тўрт маҳсулотдан бири браккa чиқяпти. Бу деталл ўз жойига ўрнатилганига қадар 13 механик операциядан ўтиши керак. Чигитнинг сифатли экилиши сеялканинг худди ана шу детали сифатига боғлиқдир. «Ташсельмаш»чилар буни ҳисобга олиб сифатли қўйилма етказиб беришлари керак.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки «Ташсельмаш» заводи етказиб бераётган кулранг чўяндан қўйилган заготовкалар ва деталлар давлат стандарти талабларига жавоб бермайди. «Ўзбексельмаш» мутахассисларининг айтишича, металлнинг қаттиқлиги ошириб юборилади, у тез синадиган бўлиб қолади. Бу камчиликни тугатиш учун «Ўзбексельмаш» технологлари янги операцияни жорий этишга мажбур бўлиб, деталларни қиздирмоқдалар. Бу операция вақтида деталлар синишт қийшайиб кетмоқда.

«Ташткстильмаш» заводи ҳам кулранг чўян етказиб бериш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни яхши бажармаётир.

Бу машинасозлик корхоналарининг ҳаммаси планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтган бўлиб, ўзаро кооперация асосида иш олиб борадилар. Лекин улар бир-бирлари олдидаги бурчларини бажаришда масъулиятни сезмаётирлар.

Деталлар етказиб бериш муддатини кечиктирганлиги учун ва шу орқали ишлаб чиқаришга зарар етказганлиги учун корхона иқтисодий чоралар кўряптими?

Бўлмасачи, қўллаяпмиз, — деб тасдиқлайди «Ўзбексельмаш» заводи халқ контроли группасининг раиси В. Агеев, — трактор йиғув заводига 11900 сўм тўлаш ҳақида счет юбордик.

Лекин трактор йиғув заводи бу жаримани тўладими, йўқми, тўлайдими-йўқми, бунисн билан ҳечким қизиқмаган.

— Системамиз бир. Ҳамма заводлар «Главхлопкомаш»га қарайди. Бир чўнтакдан олиб иккинчисига солишдан нима фойда?

Бундай ўзаро ёнбосиш хўжасизлик ҳоллари билан келишувчилик қилиш «Ўзбексельмаш»га қимматга тушмоқда.

Яқинда заводда конференция бўлиб ўтди. Унда 1969 йилнинг биринчи ярмида икки томонлама коллектив шартнома қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Бу якунлар қувончли эмас. Завод белгиланган ишлаб чиқариш планини 96,1 процент бажарди, меҳнат унумдорлиги топшириққа нисбатан 99,6 процентни ташкил қилди. Олинган фойда эса планда белгиланганидан 162 минг сўм кам бўлди.

Корхонада бошқаришнинг энг муҳим иқтисодий омиллари ишга солинмаётган экан, қандай жамғарма ва молиявий барқарорлик бўлиши мумкин?!

Биринчи ярим йилликда ўртача иш ҳақи ўсишининг суръати маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг суръатидан 12,9 процент ўзиб кетди. Бу ҳол узоқ давом этадиган бўлса, корхонанинг иқтисодий аҳволи оғирлашиб кетади. Шундай экан раҳбарлар, иқтисодчилар ва планлаштирувчилар нега тегишли чораларни кўрмаётирлар?

Асосий цехларда хўжалик ҳисоби жорий этилган. Лекин бу ҳам хўжакўрсинга қилинган. Масалан 5-механика йиғув цехи бўйруқ бўйича 1968 йил 1 январидан хўжалик ҳисобига ўтказилган. Цех ишчилари эса буни уч ойдан сўнг биздилар. Бу ерда цех иқтисодчисининг роли камситилмоқда. Сўм билан контрол қилиш яхши йўлга қўйилмаган.

25-цех иқтисодчиси Т. Теренько қизиқ рақамларни келтирди. Июнь ойининг ўзидагина цех бўйича 3 минг сўмдан знёд қўшимча иш ҳақи сарфланди, маҳсулот таннархи планда белгиланганидан 4 минг сўм ошиб кетди.

Корхона цехларида ишлаб чиқариш маданияти учун кураш олиб борилмайди. 5-цех контролёрлари темирчилик пресслаш цехи ишчиларига ҳақли равишда эътироз билдирмоқдалар. У ерда тайёрланаётган барабанларнинг пўлат ўқлари техника талабларига жавоб бермайди. Бунинг оқибатида токарлар ва силлиқловчиларнинг иши қийинлашмоқда.

Ишлаб чиқариш процесларни жуда сусткашлик билан механизациялаштирилмоқда. Чунончи слесарь Ш. Ражабов барабанларга етти йилдан буён кўлига болға олиб миҳ қоқади. Ҳар бир узелга 300-400 миҳ кетади. Шу тариқа у бир сменада уч-тўрт барабанни қўлдан чиқаради.


Бу процесни механизациялаштириб бўлмайдими? Агар бу иш сварка йўли билан бажарилса, меҳнат унумдорлиги бир неча баравар ошган бўларди.

Ана шундай камчиликлар технологик процесларнинг яхши такомиллаштирилмаганлиги, айрим конструктив-технологик масалалар ҳал этилмаганлиги оқибатида тайёрланган ҳар олти машинадан биттасини буюртмачилар қабул қилмаётир.

«Ўзбексельмаш» заводида штурмчилик бугун юзага келган эмас. «Главхлопкомаш» бу аҳволни чуқур ўрганиб, барча масалаларни комплекс ҳал қилмоғи керак. Чунки бу масалалар шаҳардаги бошқа қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарига ҳам тааллуқлидир.

М. САВЕЛЬЕВ,
С. ЁҚУБОВ,
«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» махсус мухбирлари.

ОЙ БОШИДА ХОТИРЖАМЛИК...



Самарқанддаги «26 Боку комиссари» фабрика-сининг маҳсулотлари фақат иттифоқимиздагина машҳур бўлмасдан ҳатто хорижий мамлакатларга ҳам машҳурдир.
СУРАТДА: КПСС аъзоси Вера Жердева. У кунлик иш топшириқларини ҳар доим ортиғи билан адо этади.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ТЕЛЕФОН ЭМАС, ҒОВ

Ҳозир ҳамма ишни осонлаштирадиган алоқадир. Хоҳлаган вақтингизда хоҳлаган ердаги кишингиз, қариндошингиз билан алоқа воситаси орқали гаплашасиз. Техниканинг энг қулай, халққа манзури ҳам алоқадир.

Ҳозир Москва, Олмаота, Ашхабод, Фрунзе шаҳарлари билан ҳамда республика миқёсининг Бухоро, Гулистон, Фарғона, Андижон ва Наманган шаҳарлари билан телефон автомат орқали гаплашиш имконига эгамиз. Бундай улкан хизматлари учун алоқа бўлими ходимларидан чексиз миннатдормиз, албатта.

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор экан.

Навбатдаги буюртмам Тошкентдаги 47-алоқа бўлимидан олган 67-сон талон бўлди. Соат 17.15 минутда 07 рақам орқали талонда кўрсатилган шаҳарни илтимос қилдим. Буюртмани 287-телефонистка қабул қилди.

Мана икки соат қимматбаҳо вақтимни йўқотдим. Ҳеч қандай хабар йўқ. Уч соат ўтди. Зарурат мажбур этди. Мен яна 287 га мурожаат этдим. 43941 ёки 43722 телефонларга қўнғироқ қилиб айтдик,

— Албатта улашади,— деди 287-нақамли қиз.

Кўнглим тоғдай кўтарилди. Қани энди тезроқ улашолса. Кутавергандан фиғоним кўтарилмоқда.

Ниҳоят қўнғироқ қилиб, арзимни айтдим.

— Талон номери!

— 67.

— Қайси бўлимдан олдингиз!

— 47-алоқа бўлимидан.

— Қачон!

—Бугун, 22 июлда.

Балки бугун заказ қилиб кейинги кунларда гаплашса керак, — хаёлимдан кўчирдим. Лекин навбатдаги савол ҳаёлимни бўлди.

— Тошкентдаги телефонингиз!

Телефон номери ва фамилиямни айтдим.

— Қайси шаҳарни чақиряпсиз!

— Қайроққум шаҳри. Илтимос, жуда зарур иш бор.

— Хўп. Кутинг, ҳозир бўлади...

Мана соат 21 га ҳам яқинлашди. Лекин 17 июлда ҳам шундай бўлган эди. Унда 058-талон билан роса ҳунобим чиқиб қўнғироқ қилаверганимдан кейин улашган эди. Кишилар замонавий телефон алоқаси ҳизмати учун нахотки бир неча соатлаб қимматбаҳо вақтларни умидвор бўлиб ўтказишса!

Хуллас, шу куни телефон уланмади.

Ҳ. УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги бўлим бошлиғининг ўринбосари, бинокор-инженер.

2 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ БЕТ. 31 ИЮЛЬ, 1969 й.

ЖОНАЖОН Ватан бўйлаб

ЕР ТУЗИЛИШИ ЛОЙИҲАЛАРИ ОЛИНДИ


АШХОБОД. (ТАСС). Ашхобод ва Кўктепа қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари Республика комплекс ер тузилиши экспедициясидан районлардаги хўжаликлараро ер тузилиши лойиҳаларини олди. Ҳали яқиндагина В. И. Ленин номли Қорақум каналидан Амударё сувини олган бу районларда Копетдағ водийсини ўзлаштириш, янги пахтачилик совхозлари ва бошқа совхозларни ташкил этиш ҳисобига экин майдонлари анча кенгайтирилди.

Экспедиция ҳозирги вақтда бу районларда алмашлаб экишни жорий қилиш билан хўжаликларнинг ўз ичида ер тузилиши лойиҳаларини ишлаб чиқмоқда. «Туркманистон ССР 40 йиллиги» Махтумқули номли «Коммунизм» колхозлари шундай лойиҳаларни олишди. Йил охиригача барча хўжаликларга лойиҳалар топширилади.

СТУДЕНТЛАР КУЧИ БИЛАН

ФРУНЗЕ. Қирғизистон Давлат университетида ўқувчи икки юз эллик йигит ва қизлардан иборат бинокорлар отряди ўз отрядини «Экономист» деб атади. Улар «Комсомолнинг қишлоқ мактабига ёрдами» деган ватанпарварлик ҳаракатига ўз ҳиссаларини қўшмоқ учун марказий Тянь-шаннинг баланд тоғ этакларидаги колхозларга жўнаб кетишди. Уларнинг политехника институтида ўқувчи тенгқурлари «Жергалан» шахтасида янги посёлкани барпо этади. Студентларнинг бошқа отрядлари Беловодская қишлоғида стадион, Жетиғўғиз сиртларида қўралар, Оқ-талда касалхона биноси қурадилар.

Қирғизистон комсомолларидан икки ярим минг киши ёз фаслидаги меҳнат семестрида қатнашади. Уларга 55 қурилиш объекти биркитиб берилган.



Сиз бу расмда Аброр Ҳидоятов кўчасидаги уй-жой ва маъмурий бинолар зонал тажриба лойиҳалаш илмий текшириш институтининг биносини кўриб турибсиз. Расмни А. Ҳакимов чизган.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

„ХАЙ АТТАНГ"

Бешқайрағоч массивидаги 8-поликлиникада интизом бўшашиб кетгани, медицина ходимлари бу ерда беморлар билан қўпол муомалада бўлишлари, врачлар ишга ўз вақтида келмаётганликлари ва бошқа тартибсизликлар ҳақида газетанинг 5 июль сонида «Ҳай аттанг» сарлавҳали материалда ёзилган эди.

Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлимидан жавоб олинди. Унда қуйидагилар ёзилган: Мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Мақола 8-поликлиника коллективи ўртасида муҳокама қилинди. Поликлиникада санитария ҳолатига риоя қилмагани учун бош врачнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Н. Шахавуддинов ва хўжалик ҳамшираси Усмоновага хайфсан эълон қилинди. Шунингдек беморларга қўпол муомалада бўлгани учун регистратор Тўхтааliевага ҳам хайфсан эълон қилинди.

Ишни назорат остига олмагани ва поликлиникада тартибсизликка йўл қўйгани учун бош врач Т. Олимжонов қаттиқ огоҳлантирилди ва тартиб ўрнатиш учун муддат белгиланди.

Шунингдек, поликлиникада аҳолига медицина хизматини яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди.

◆ ТАСС ИНТЕРВЬЮСИ

Олий мактаб биринчи машғулот арафасида

СССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ Н. Ф. КРАСНОВ БИЛАН СУҲБАТ

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонлари бошланишига саноқли кунлар қолди. Миллион-миллион йигит ва қизлар 1 сентябрда олий ўқув юртлари ва техникумларининг аудиторияларига келишади. Олий мактаб янги ўқув йилига қандай тайёргарлик кўрди? ТАСС мухбири И. Козловский шундай савол билан СССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг биринчи ўринбосари Н. Ф. Красновга мурожаат қилди.

— Янги ўқув йили,— деди Н. Ф. Краснов,— алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқув юртларининг коллективлари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини таълим-тарбия ва илмий ишда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлаш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тинмай қилаётган ғамхўрлиги натижасида олий мактабларда халқ хўжалиги учун, фан ва маданият учун кадрлар тайёрлаш даражаси йил сайин ошиб бормоқда. Фан-техниканинг мавж уриб юксалаётганлиги фан ҳам саноатнинг янги тармоқлари учун кўпроқ кадр тайёрлашни талаб этади. Шу муносабат билан бу йил олий ўқув юртлари ва техникумлар бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари, электрон-ҳисоблаш аппаратлари конструкциясини тузиш ва уларни ишлаб чиқариш, амалий математика, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва электр энергиясини тақсимлаш бўйича мутахассислар тайёрлашга киришадилар. Иқтисодий ихтисосларнинг номенклатураси ҳам кенгайтирилади. «Экономика ва моддий-техника таъминотини планлаштириш» ҳамда «тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш экономикаси» шундай фанлар қаторига қўшилди.

Эндиликда инженерлик профилидаги барча факультетларда ҳисоблаш техникаси курси жорий қилинади. Иқтисодий олий ўқув юртларида математика бўйича эътибор берилади. Студентлар учун математик методлар, эҳтимоллик назарияси, математик статистикадан планлаштиришда фойдаланиш юзасидан лекциялар ўқилади. Гуманитар олий ўқув юртларида психологияни ўрганишга жиддий эътибор берилади. Масалан, юристлар умумий психология ва суд психологияси, криминология курсини ва бошқа курсларни ўтадилар.

Мамлакатимиз д а г и олий ўқув юртлари ҳозирги вақтда янги студентларни қабул қилишга тайёрланмоқдалар. Олий ўқув юртларида 900 минг киши ўқийди, буларнинг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқувчилар ташкил этади.

Бундан ташқари, ўрта махсус билим юртлари 1,3 миллион ўқувчини қабул қиладилар.

Мамлакатимиз олий маълумотли мутахассисларга тобора кўпроқ эга бўлади. Бу йил куз фаслида Красноярск ва Гомель университетлари, Астрахань консерваторияси, Краснодар политехника институти, Шахтинскдаги маиший хизмат технология институти биринчи марта студентлар қабул қилади.

Корхоналар ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган кишилар ишлаб чиқариш ходимлари ўртасида ўтказиладиган конкурсда қатнашадилар ва ўқишга биринчи навбатда қабул қилинадилар. Шу билан бирга камида икки йил амалий иш стажига эга бўлган кишиларга бериладиган устунлик сақлаб қолинади.

Қишлоқ хўжалиги ва биология ихтисослари бўйича кундузги ўқишга асосан доим қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган ва олий ўқув юртида танлаб олган касб бўйича иш стажига эга бўлган кишилар қабул қилинади. Қишлоқ жойларидан келган ёшлар педагогика ихтисослари бўйича ҳам биринчи навбатда қабул қилинади.

Янги студентларни қабул қилиш — ҳар бир олий ўқув юртининг фаолиятидаги энг муҳим босқичдир. Бу иш белгиланган қоидаларга мувофиқ суратда пухта ва уюшқоқлик билан бажарилиши керак.

Маълумки Совет Иттифоқи кадрлар тайёрлашда қардош социалистик мамлакатларга ва Осиё, Африка ҳамда Латин Америкасидаги ривожланиб бораётган мамлакатларга бегараз ёрдам кўрсатмоқда. СССРнинг ёрдами билан кўп мамлакатларда ўқув юртлари бинолари қурилди. Бу ўқув юртлари яхши жиҳозланган аудитория ҳамда лабораториялар билан таъминланди. Масалан, бу йил Тунисда СССРнинг иштироки билан қурилган миллий техника институти биринчи марта очилади. Бизнинг мамлакатимиз миллий ўқув юртларида ишлаш учун ўз ўқитувчиларини юбормоқда.

Ривожланиб бораётган мамлакатлардаги ёшлар Совет Иттифоқидаги олий ўқув юртларида ўқишга ғоят қизиқмоқдалар. Бу олий ўқув юртларида тайёрланган неча минглаб мутахассислар ўз ватанларига қайтиб борганларидан кейин Совет олий мактаби юксак билим бераётганлигини амалда исбот қила олдилар. Совет Иттифоқида билим олишни истаган 7 мингдан ортиқ йигит ва қиз бу йил ҳам бизнинг мамлакатимизга келади.

Н. Ф. Краснов сўзининг охирида айтдики, олий ва махсус ўрта мактаб ходимлари Ленин юбилейи йилида юқори малакали мутахассисларнинг янги отрядини тайёрлаш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар.

(ТАСС).



Тошкент телевидение студиясининг ўқув эшиттиришлар редакцияси кейинги пайтларда «Ўқишга марҳамат», «Атрофимизни қуршаган дунё» каби янги туркумдаги эшиттиришлар тайёрлаб, абитуриент ҳамда студентларнинг тўлақонли билим эгаллашларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

«Ўқишга марҳамат» туркумидан берилаётган эшиттиришлар кенг абитуриентлар оммаси орасида қизғин кутиб олинмоқда. Бу эшиттиришларга олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус билим юртларининг ўқитувчилари ва талабалари таклиф қилинмоқда.

Улар телеэкран орқали абитуриентларни ўз дорилфунунларига таклиф қилмоқдалар.

Суратда: Ўртада) Тошкент телевидение студиясининг ўқув эшиттиришлар бўлими режиссёри С. Лутфуллаев эшиттиришга келган Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Гидромелиорация факультетининг 2-курс студенти Калинин стипендияти М. Ғиёсова, ҳамда шу институтнинг назарий механика кафедрасининг мудири, доцент, физика математика фанлари кандидати Д. Мавлоновалар билан эшиттиришга олдидан суҳбатлашмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Ҳунардан афзал хазина, билимдан улуғворроқ ва ҳаётдан яхши нарса йўқ. Ёмон феъл-атвордан кўра хавфли душман ҳам йўқ.

Суқрат.

Ҳаёти ўзи истаганича ўтмаётган киши қандай қилиб ўзини тириклар қаторига тутсин?!

* * *

Ҳар ким сени ёмон деса, ўша киши сенга ёмонлик қилишдан афзал бил.

Кайковус.

Кимники қалби шодланса, билки у бировни шодмон этган ва ғамнок бўлса, бировга ғам келтирибди, деб бил.

Жалолиддин Румий.

Чаёндан: «Нега сен қишда ташқарига чиқмайсан?»— деб сўраганларида, «Ёзда кўрган иззатим шу бўлса, қишда нима бўларди»,—деб жавоб берибди у.

Муслиҳиддин Саъдий.

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

Агрофизика илмий-тадқиқот институти ходимлари яратган янги асбоб теплицада омборлардаги ҳаво температураси ва намлигини аниқ ўлчашга ёрдам беради. У мусбат температурада ҳам, манфий температурада ҳам ишлайверади. Асбоб чўнтак фонари батареясидан энергия олади. Вазни эса 2 килограммдан сал ошиқроқ.

Термометр деб аталган бу янги асбоб «Автоматизация ва я - 69» халқаро выставкасида намойиш қилинди. Бу йил уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

(ТАСС мухбири).

Москва.

◆ Олам ажойиботларга тўла

Кўзойнаклилар шаҳри

Кўзойнак тақишда японлар жаҳонда биринчи ўринни эгаллайдилар. Яқинда Токионинг Гиндзе деган энг йирик кўчасида бу синаб кўрилди. Бу кўчадан ўтган ҳар беш кишининг бири кўзойнак таққан эди. Токио вокзалида одам гавжум бўлган пайтда ҳар етти кишидан икки киши кўз ойнак тақкани аниқланди.

Японияда кўзи хиралашган кишиларнинг бу қадар кўплигига сабаб нима? Биринчидан, шунинг учунки, японлар вақт-бевақт кўп китоб ўқишни хуш кўрадилар. Бунинг устига уларда ёзув жуда мураккаб. Бирор сўз ёки маънони ифодалаш учун ғоят оғир белгилар чизишлари керак. Ниҳоят, япон ўқувчилари жуда кўп нарсаларни ёдлаб олишлари зарур. Бу ҳам шубҳасиз, кўзга таъсир этмай қолмайди. Буларнинг устига-устак, японлар телевизорга жуда ўч. Бунинг ҳам кўзга зиёни каттадир.

Европанинг «кичик саҳроси»

Кўплар Польша чегарасида чўл борлигини билишмаса керак. Бу ерда «Кичик саҳро» деб номланган чўл мавжуд. У Краковнинг ғарбида ва Силезия тепалигининг шарқий қисмида жойлашган.

Бу чўл Африкадаги Саҳрои кабирдан анча кичик. Унинг узунлиги 8 , эни 4 километрдир. Аммо бу чўлнинг қуми анча қалин бўлиб, айрим жойларда 70 метргача боради. Чўлда на дарахт, на бир ниҳол, на ўсимлик бор. Қум ёмғирни пахтадай ўзига шимади. Чўлда қум кўчиши тобора кўпайиб, уни ҳеч нарса дўхтата олмаяпти.

400 метрли поезд

Япония темир йўл бошқармаси дунёда энг узун пассажир поездини синовдан ўтказди. Поезд 17 вагондан таркиб топиб, унинг узунлиги 400 метрдан ортиқдир. У соатига 210 километр йўл боса олади.

Ярим тоннали тошбақа

Штральзунди шаҳрининг балиқчилари Болтиқ бўйи денгизи соҳилларидан ғоят катта тошбақа топдилар. Унинг оғирлиги салкам 500 килограмм. Ҳозир тошбақа Лейпцигдаги ҳайвонот боғида сақланмоқда.

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

Тўрт нарса мардликнинг белгисидир: дўстлар билан кенгашиш, душманга шафқатсиз бўлиш, ҳаво оташ пуркаганда ҳам жим ўтириш ва аччиқ сўз эшитганда бардош бериш.

* * *

Сен ўзингни яхши билиб, бировлар сени ёмон дегандан кўра, сен ўзингни ёмон деб, бировлар яхши санагани маъқул.

* * *

Уч нарсанинг қадрига уч тоифа одамлар етадилар: ёшлик қадрига кексалар, саломатлик қадрига беморлар ва ноз-неъмат қадрига муҳтожлар.


* * *

Уч нарсага амал қил: бировнинг кўнглини ол, ҳаммага яхшилик қил, ободончиликка интил!

◆

◆ Насиянинг кўпидан нақднинг ози яхши.

◆ Нақд меҳнат, насия роҳатдан афзал.



Озод Бухоро шу ердан бошланган эди.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).

Жаҳон ойнаси



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: машҳур Панчеров курортидаги кўлнинг кўриниши. Бу ерда ҳар йилги мавсум пайтида ўн мингларча болгариялик меҳнаткашлар ва четэллик кўлгина туристлар дам оладилар.

ДЎСТЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ЛИМА, (ТАСС). Бу ерда Перу-Совет маданий алоқалар уюшмаси узоқ вақт давом этган танаффусдан кейин ўз ишини яна бошлади. Илгари, яъни Белаунде Терри режими даврида бу уюшманинг фаолияти тўхтатиб қўйилган эди.

Лима марказий кўчаларининг бирида жойлашган уюшманинг янги биноси очилиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Перудаги асосий сиёсий партиялар ҳамда ташкилотларининг вакиллари, атоқли жамоат арбоблари, дипломатлар, журналистлар қатнашди.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар бу воқеанинг муҳим эканлигини таъкидладилар. Улар бу уюшма Совет Иттифоқи билан Перу ўртасидаги маданий, илмий алоқаларни ва бошқа хилдаги алоқаларни кенгайтиришга ёрдам беради, деб ишонч билдирдилар.

МОНГОЛИЯ ШИФОХОНАЛАРИ

УЛАН-БАТОР, (ТАСС). Халқ монголиясида меҳнаткашларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Мон г а м э агентлиги хабар беради: кейинги уч йил ичида мамлакатдаги дам олиш уйлари, санаторийлар ва шифохоналарда ўринлар сони 16 процент, уларда дам олувчилар сони эса 25 процент кўпайди.

Ҳар беш ишчи ва хизматчининг бири ҳар йили ўз отпускасини дам олиш уйлари ва санаторийларда ўтказяпти. Давлат кейинги икки йил ичида шифохоналар таъминоти учун қарийб беш миллион тугрик ажратди.

ЯНА БИР ИҒВОГАРЛИК

АММОН, (ТАСС). Исроил самолётларининг бир неча эскадрилияси Иорданиянинг шимолий қисмидаги Ирбид районида жойлашган Иордания қуролли кучлари позициясига ҳужум қилди.

Иордания қўмондонлиги вакилининг хабар беришича, бир ярим соат давом этган ана шу ҳужум натижасида Иордания ҳарбий хизматчиларидан уч киши, шу жумладан, бир офицер ўлган , 12 киши яраддор бўлган. Иордания армиясининг 6 автомашинаси ишдан чиқарилган.

ХАТАРЛИ ҲАМЖИҲАТЛИК

Янги нацистлар национал - демократик партиясининг бошлиғи Адольф II —фон Тадден яқинда сайлов олдидан сўзлаган нутқларидан бирида қуйидагиларни айтди:

«Бизнинг партиямизни «Судет немислари уюшмаси» билан яқин дўстлик боғлаб келади ва бундан кейин ҳам боғлайди, бу дўстлик унинг раҳбарларини шахсан ёқтиришга асосланган дир».

Бу Тадден ҳақиқатни айтган кам учрайдиган гаплардан биридир. Фактлар унинг партияси Судет реваншчилари билан ғоявий-сиёсий иплар орқали ҳамиша маҳкам боғланиб келганлигидан далолат бериб турибди. Шу нарса диққатга сазоворки, НДП ЧССРнинг Судет областига бўлган даъволарини ўз «Манифести» ва бошқа ҳужжатларида умуман қайд қилибгина қолмай, балки бу даъволарни «Судет немислари масаласи бўйича» махсус «баёнот» билан ҳам мустаҳкамлади.

Бу баёнот Судет немислари «уюшмаси»нинг эътиборидан четда қолмади. 1966 йилдаёқ НДП ландтагларда ўрин эгаллаш учун кураш олиб бораётган вақтида Судет реваншчиларининг органи бўлган «Судетен дойче цайтунг» газетаси бу партияни қўллаб-қувватлади, унинг сайловолди материаллари газета саҳифаларида кенг ёритилди.

1967 йилнинг ўрталарида НДП нинг Судет реваншчиларига анча таъсирлироқ ёрдам кўрсатиши учун имконият юзага келди. Гап шундаки, уларни Бонн билан боғловчи самимий муносабатлари бироз бузилди. Шу вақтгача НДП, Бонн ва Судет немислари уюшмаси халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан Мюнхен битимининг «қонунийлиги»га асосланиб, Судет областига даъвогарлик қилиш масаласида ҳамиша якдил эдилар. Аммо Боннинг бир вакили, «Шарқдаги янги сиёсат»ни самимий сиёсат қилиб кўрсатиш учун уриниб, Рейнда бугундан бошлаб Мюнхен битимини ўз кучида эмас деб ҳисоблайдилар, деб айтди.

НДП ўшандаёқ нацистларнинг авлоди ХДС—ХСС «Ўрта Европада энг муҳим позициялардан бирини ўз ҳолига ташлаб қўймоқда» дейишяпти деган фикрни билдирди. НДПнинг «Дойче нахрихтен» деб аталган варақаси умуман «НДП ЧССРнинг давлат сифатида яшашга бўлган ҳар қанақа ҳуқуқларини рад этади, чунки гўё бу мамлакатнинг номиёқ сохта.— «Чехословаклар» деб аталган халқ йўқ ку ахир» деб ёзди. нинг яна Чехословакияда яшашига рухсат берадиган ҳуқуқ қаноатлантирмайди. Биз Европада территория талаб қиламиз ва ўз тасаввуримизга жавоб берадиган система юзага келтиришни истаймиз» деди.

Яқинда Нюрнбергда чинакам базм бўлиб ўтди. Унда «Уюшма» билан НДП ўртасидаги самимий ҳамжиҳатлик айниқса яққол кўринди. «Бош вокзал ёнида асосий бозор майдонидаги кўргазма заллари олдида — ҳамма ерда НДП газеталарининг махсус сонлари тарқатилди, — деб ёзади «Франкфуртер рундшау» газетаси,— «Нюрнбергдаги 1969 йилги Судет немислари куни. Биз чекинмаймиз! Чекинишга тайёр турган кишиларга қарши жанг бошлансин! Қаршилик кўрсатишни ташкил этамиз! Судет Германиясини бўлиб қолади! деб ёзилган катта сарлавҳалар жар солиб турарди. Шундай чақириқлар ёзилган жигарранг варақалар юз мингларча нусҳада тарқатилди».

Яқинда Баварияда Пассау шаҳарчасида «богемияликлар слёти» деб атлган иккинчи бир реваншчилик спектакли бўлиб ўтди. Судет уюшмасининг бошлиғи, ХССдан Бундестаг депутати ва собиқ нацист Бехер очиқдан-очиқ НДПга ишора қилиб «ҳамфикрларимиз билан қатъий иттифоқ тузайлик» деб даъват қилди.

Нюрнберг ва Пассау шаҳарларидаги воқеалар ГФР ички сиёсий ривожланишида хавфли ҳодиса, оммавий реваншчилик союзларни бўлган «Судет немислари уюшмаси» ва Адольф II нинг янги фашистлар партиясини сиёсий ва ташкилий бирлаштириш рамзи бўлиб қолди.

А. ГУРКОВ,

(АПН).

БМТнинг КУЗАТУВЧИСИ ҲАЛОК БЎЛДИ

НЬЮ-ИОРК, (ТАСС). Кеча Сувайш канали зонасини тўпга тутиш вақтида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчиси, швециялик майор Б. Р. Плейн ўлдирилди. У каналнинг ғарбий соҳилидаги Майк кузатиш пунктида турган эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг штаб-квартир а сида хавфсизлик кенгашининг бугун эълон қилган ҳужжатида шу тўғрида хабар берилади. Бу ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг яқин шарқдаги кузатувчилари группаси бошлиғи генерал О. Буллнинг маълумотларига асосан тузилган.

Америка агентликларининг хабарларига қараганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчиси Исроил снарядидан ўлган.

◆ Социализм мамлакатларида

Элликдан ортиқ шаҳарга

ПРАГА. Чехословакия пойтахти жуда кўп энг катта халқаро авиалинияларни ўтадиган жой бўлиб қолди. «Чехословакия аэролинияларн» компаниясининг самолётлари Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка, Шимолий ва Жанубий Американинг элликдан ортиқ шаҳри билан мунтазам алоқа қилиб турибди. Мамлакатнинг ички ва халқаро авиалинияларининг умумий узунлиги қарийб юз минг километрга етади. Совет маркасидаги замонавий тезучар «ТУ-124», «ТУ-104» самолётлари ва бошқа самолётлар, шунингдек Чехословакияда ишлаб чиқарилган самолётлар, Чехословакия аэролинияларн трассаларида парвоз қилмоқда.

Чехословакия Социалистик Республикаси Совет Иттифоқидан реактив «ИЛ-62» лайнерларининг бир туркумини сотиб олди. Бу самолётлар халқаро йўлларда учиш учун мўлжалланган.

Югославияда ҳосил ўрим-йиғими

БЕЛГРАД. Югославияда мамлакатнинг асосий дон экини бўлган кузги буғдой ўрим- йиғими тамомланай деб қолди. Мамлакатнинг республика ва ўлкаларидан олинаётган хабарлар яхши ҳосил етиштирилганлигини кўрсатади. Мамлакатда арпа ва сули ўрим-йиғимига ҳам киришилди.

(ТАСС).

◆

ГФР. 23 июнда Рейн дарёсида ғалати манзара пайдо бўлди. Бу дарёнинг лойқа суви шаҳарлар ва посёлкалар ёнидан ўн мингларча тонна заҳарланган балиқларни оқизиб борарди.


СУРАТДА: Рейн дарёси соҳилида ўлган балиқлар уюми.

ЮПИ —ТАСС.

◆



◆



СУРАТДА: Германия Демократик Республикасининг денгиз чегараларининг соқчилари бўлган чегара соқчи катерлари республика денгиз чегараларини қўриқлашда.

◆

ҚИЗИҚ ГАПЛАР

СОЯБОН БАРГ

Энг катта барг Амазонка дарёси соҳилларида ўсади. У чодирга ўхшаш бўлиб, узунлиги 22 метр, эни 12 метр, банди қарийб беш метр келади. Бундай барг остида ўн киши офтобдан ёки ёмғирдан бемалол сақланиши мумкин.

25 КИЛОГРАММЛИ МЕВА

Меваси энг катта дарахт Ҳинд океанининг ғарбий қисмида ўсади. Сейшель деб номланган бу дарахт йилига ўртачагача мева тугади. Мевасининг ҳар бири 25 килограммгача бўлади. Дарахтнинг ўзи 800 йил умр кўради.

350 МЕТРЛИ ЎСИМЛИК

Энг баланд ўсимлик ротанг деб аталади. Ротанг Жанубий Осиё тропик чангалзорларида ўсади. Унинг поясининг узунлиги 350 метргача етади.

КИНО КИНО КИНО КИНО КИНО

«Икки кишига бир қафас»

Чехословакиянинг «Барравдов» киностудияси ишлаган бу фильм сценарийсини Иржи Карасек, Ярослав Махлар ёзишган. Режиссёр Ярослав Мах.

Ченда босмахона омборида йигирма йилдан бери ишлайди. Унинг онаси шол бўлиб қолган. Ёшлигини онасига қараш ва ишлар билан ўтказган Ченда энди ҳеч нарса ҳақида ўйламас, унинг учун ҳамма нарса тамом бўлган эди. Ҳатто онаси ўлганда ҳам ҳаётини ўзгартиришга интилмади.

Тўсатдан унинг мазмунсиз ҳаётига гўзал ва ажойиб қиз кириб келади. Ўғрилар тўдаси таъқибидан қочган Кристина бўйдоқ Ченданинг уйига кириб қолади. Жиноий ишларга аралашган қизни милиция изларди.

Ченда Кристинага бегараз ёрдам кўрсатди.

Аввалига ўзини ярамас, ҳеч кимга кераксиз ҳис қилган Кристина қалбини кейинчалик Ченданинг самимий муҳаббати илита бошлади. Юрагининг аллақайси бурчида меҳр-муҳаббат ҳисси уйғона бошлайди.

Ченда Кристинанинг ўтмишини кечиради. Уларнинг бахтига ҳеч нарса ҳалақит бермайдигандек туюлади. Лекин қиз севган кишисига фақат бахтсизлик келтирмаган деб қўрқади. Қиз ўзини милиция қўлига топширади. Ченда яна танҳо қолади. Лекин бу танҳолик узоққа бормайди, чунки қиз агар уни чиндан ҳам севса қачон бўлмасин албатта қайтиб келишига ишонади.



Ролларда: Ченда — Владимир Меншик, Кристина — Консуэла Моравкова, Мартин — Ярослав Марвон, Ченданинг онаси — Мария Росулкова, Мюллер — Богуш Загорский, Зде на — Яна Вальтерова ва бошқалар қатнашган.

СУРАТДА: шу фильмдан кадр.

«Юлдузсиз сильва»

...Ёш йигит юриб бўлмас чакалакзорлар орасида ҳиндулар қабиласи яшашини билиб қолади. Кўп йиллар муқаддам шу қабилада оқ танли аёл пайдо бўладн ва бу аёл уларнинг маслаҳатчиси ва йўлбошчиси эди. Энг муҳими шунда эдики, ҳиндулар оғзи бекилган ҳурмачаларда лиқ тўла олтинни кампирга бериб шар эди.

Альфонсо қатъийлик билан йўлга тушади. Дарёдан ўтиб, яёв юриб охири ҳиндулар турадиган жойни топади, кампирни алдаб, олтинни ўғирлайди, ҳиндулар бошлиғини эса ўлдиради.

Фильм муаллифи Армандо Роблес Годой қаҳрамоннинг машаққатли йўлини давом эттирмай, бизни Альфонсонинг ўтмиш ҳаёти билан таништиради. Годой энг муҳим нарсани — Альфонсо нима сабабдан қотилга айланганини кўрсатишга ҳаракат қилган. Фильмнинг иккинчи плани шу тарзда вужудга келди.

Мана, беғубор ва беташвиш болалик. Боланинг қўлига аста-секин пойафзал тозалаш орқали майда пуллар туша бошлайди. Кейин янги, ажойиб таниш орттиради. Бу софдил ёшмитой, дадил бир қиз эди. Лекин қиз Альфонсо учун бойнинг ўйинчоқидек гап эди. У қизни ташлаб кетади. Қиз ўзини ўлдиради.

Альфонсога бир ҳинду ўлдиришни таклиф қилишади. Паст табақадан чиққан Альфонсо қўлига милтиқ олади. Унинг қалбида эзгулик-дан асар ҳам қолмаган, у ҳиёнатчи. У ўзининг заҳматкаш халқини сотади.

У елкасида олтин тўлдирилган тўрва билан Сильвададан чиқиб кетяпти, гўё қўлида ўз бахтини, бойлигини, шон-шуҳратини ушлаб тургандек.

Унинг ўзи ясаган сол уни одамлар орасига бошлайди. Лекин сол сув тагидаги дарахт илдизига келиб урилади ва оғир тўрвалар унн денгиз қаърига чўктириб юборади.

Фильмнинг муаллифи ва режиссёри Армандо Роблес Годой «Мартин Родригес Ментастк» ва «Антара фильмс» киностудиялари маҳсулоти. Перу.

СУРАТДА: шу фильмдан кадр.



ДРУЖИНАЧИЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ЁРДАМ БЕРИШЯПТИ

Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг студентлари ташаббуси билан яқинда кўнгилли халқ дружиначилар штаби тузилди. Шу дружинага кўплаб студентлар аъзо бўлганлар. Бу дружина штабига жисмоний тарбия кафедрасининг ўқитувчиси Ниль Мирзаевич Ҳайдаров раҳбарлик қилмоқда. Штаб аъзолари шаҳар кўчаларида жамоат тартибини сақлашда милиция ходимларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар шаҳардаги М. Уйғур ҳамда «Литературная» кўчаларида халқ осойишталигини сақлашни ўз оталиқларига олишган. Бўш пайтларида шу кўчаларга келиб, жамоат тартибини назорат қилишмоқда.

Комсомол аъзоларидан Ш. Тожибоев, И. Безродний, К. Тўраев ва Ш. Ҳошимов каби актив студентлар тартибузарларга қарши курашда айниқса фаоллик кўрсатмоқдалар.

Жамоатчилик ва милиция ходимлари кўнгилли халқ дружиначилари штаби ишидан мамнун бўлмоқдалар.

А. ЎМАРОВ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Ширали овоз

(ИНТЕРМЕДИЯ)

(Нозик эшикдан йиғламсираб киради).

Илёс ака — Ҳа, қизим қабул қилишмадиями? Нега йиғлаяпсан?

Нозик — Йў-қ-қ, йў-қ...

Илёс ака —Ҳеч нарса айтиришиб кўришмадими? Нега бунча йиғламасанг...

Нозик — Айтиришдинг-ку, даже беш, олти марталаб. Лекин...

Илёс ака — Нима лекин? Очиқроқ айтсангчи, қизим.

Нозик (жеркиб)— Уни-бунн қўйинг, дада, ўзингиз-да, осонроғи консерваторияга кирақолгин деб, мана энди дугоналарим олдида шарманда бўлдим.

Илёс ака — Хафа бўлма (юпатиб) эркагинам, бир амаллаймиз.

Нозик — Йўқ, дада, ҳеч қандай қилиб тўғрилай олмайсиз, ахир химия, алгебра бўлса мисол, масала ишлаб, шпаргалка қилиш мумкин эди, лекин бу ерда ҳар ким ўз қобилияти, ўз овози билан ўтар экан-да, дада...

Илёс ака —Наҳотки, сени шу консерваторияга ҳам қабул қилишмаса, овозинг бўлса бор, бирнкки ҳиргойи қилиб юрганингда эшитган эдимку. Бўлмаса мен бир телефон қилиб кўрайчи...

Нозик — (дадасининг қўлидан трубканн тортиб олади) Йўқ, мени барибир қабул қилишмайди, чунки, комиссияларнинг бир-бирига пичирлаб: «овозини ширази ҳам йўқ экан, жонини койитмайдиган сатангга ўхшайди» деганини эшитиб қолдим. Қабул қилишмайди...

Сарви опа (анчадан бери ота-боланинг гапини ичкари уйдан эшитиб ҳовликиб чиқади). Ҳой дадаси, нега индамай турибсиз. Қизимизни ёшлигидан шоколад бериб боққанимиз, эсингиздан чиқдими. Мен ҳозироқ домлалар олдига бориб айтаман. Қизим артист бўлмаса бўлмасин, барибир овози ширали бўлиши керак. (югуриб чиқиб кетади).

Илёс ака — Аяси, тўхтанг...

Нозик — Ая... (олдинма-кейин югуриб кетишади).

А. НОСИРОВА.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

«Ўйнаб ўтинг шаббодалар»

Юрагимда қўш қанотим бор.
Қўш қанотим: қўшиқ ва севинч!
Парвозларга ундайди диёр,
Туролмасман бир дақиқа тинч.

Шоир Султон Қўқонбековнинг янги «Ўйнаб ўтинг шаббодалар» номли шеърий тўпламн шундай мисралар билан бошланади. Тўпламга шоирнинг кейинги йилларда ёзган шеърлари ва «Ўғлимга мактублар» достонн кирган. Китобчани ўқир экансиз, ундаги шеърларда тараннум этилган ёр-диёр ҳақидаги илиқ сўзларни, мусиқий қўшиқларни, урушга лаънат, баҳтиёр замонга бўлган муҳаббат тароналарини қувониб қабул этасиз.


Тўпламни Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти босмадан чиқарган.

«Давр менинг тақдиримда» литва тилида

Таниқли адибимиз Асқад Мухторнинг бошқа энг яхши насрий асарлари сингари унинг «Давр менинг тақдиримда» романи ҳам мамлакатимиз халқлари ўртасида кенг тарқалмоқда. Бу асар ўтган йили рус ва эстон тилларида босилиб чиққан эди. Романнинг каттакатта қисмлари эса украин, туркман, озарбайжон ва қорақалпоқ тилларида эълон қилинган.

Яқинда Вильнюсдан хушхабар келди: «Давр менинг тақдиримда»нинг литва тилидаги нашрини юборишибди дўстларимиз. Шуниси характерлики, бу асар ўзбек тилидан тўғридан-тўғри литва тилига таржима қилинган. Роман таржимони Галина Кобецкая уруш йиллари Ўзбекистонда яшаб, халқимиз ҳаётини, тилини яхши ўрганган бўлганлиги учун анча мукаммал ва аслига яқин таржимани нашр этиш имкони туғилди.

Китобнинг тиражи ўн минг нусха бўлиб, яхши, чиройли безаклар билан босилган. Сўнгги сўз ўрнида авторнинг қисқача таржимаи ҳоли берилган.



Москванинг Ново-Баишлавский кўчасидаги 16-ЖЭК да (турар жойларни эксплуатация қилиш идораси) бирлашган диспетчерлик тажриба пункти жиҳозланган. Бу ерга ўрнатилган аппаратлар ўнларча уйда инженерлик иншоотлари комплексини кузатиш имконини беради.

Диспетчер бу ердан туриб иситиш пунктлари, сув оқизувчи қурилмаларининг ишини, лифтларнинг ҳаракатини назорат қила олади ва подъездлар, зинапоялар ва бошқа ерлардаги электр чироқларини ёндиради ва ўчира олади.

Бу йил Москва уйларида ана шундай диспетчерлик пунктларидан бирнечтасини ўрнатиш кўзда тутиляпти.

СУРАТДА: навбатчи Е. К. Степанова диспетчерлик пульти олдида.

В. Шидловскийнинг фотоси.

(АПН)



РАДИО

31 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Беш йиллик кишилари» деган эшиттириш (ўзбекча) **18.10** А. Козловский. «Улугбек» операсидан парчалар. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20.40** Дўстлик қўшиқлари. **21.00** «Капиталистик дунё ички қарама қаршиликларининг кескинлашуви» деган суҳбат (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.00** Москва. РСФСРда ўзбек маданияти декадасининг ёпилишига бағишланган тантанали кеча. Кремль Съездлар саройидан олиб эшиттирилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ёшлар ижоди (ўзбекча). **19.30** Чет эл эстрада усталарининг концерти. **20.00** Тожик халқ куйлари. **20.30** Варелас. «Симфониетта». **21.00** «Жаҳон адабиёти классиклари». Генрих Гейне лирикаси (ўзбекча). **21.40** Москва.

1 август ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** Оммавий қўшиқлар. **8.25** Область театрлари артистларининг концерти. **9.30** М. Мирзаев. «Байрам поэмаси». **9.50** Халқаро мавзуларда суҳбат (тожикча). **11.15** «Коммунистик ва ишчи партиялари Халқаро Кенгаши якунларига доир». «Катта аҳамиятга молик воқеа» деган суҳбат. **11.30** Республика халқ ҳофизларининг концерти. **13.30** Осиё ва Африка мамлакатлари халқларининг куйлари. **15.15** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (ўзбекча). **15.30** «Мен коммунист» деган радиокомпозиция (ўзбекча). **16.10** Ёшлар учун музикали соат. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **17.00** Ўзбекистон композиторларининг симфоник асарлари. **18.00** «Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида» (ўзбекча). **18.10** Ленин ҳақида куйлаймиз. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ўзбекистан индустриальний» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча) **21.10** Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларини ижро этамиз. **22.20** Вальслар. **22.40** Сайёр. «Устоз сабоқлари» (ўзбекча). **23.15** Кечки концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Эстрада концерти. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Б. Гиенко. Иккинчи квартет. **19.30** «Севги қўшиғи» деган лирик концерт. **20.00** Рубобчи аёллар ансамблининг концерти. **20.30** Ўзбек Давлат филармонияси хор капелласининг концерти. **20.50** «Пахта терими машиналарини шай қилиб қўйайлик» деган эшиттириш (русча). **21.00** Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. Ф. Мусажонов. «Меҳр» повестидан парча (ўзбекча). **21.40** Москва.

ТЕЛЕВИЗОР

31 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: **18.35** Телевизион янгиликлар. **18.50** Болалар учун. «Чол ва турна» мультфильми. **19.00** М. Горький. «Матвей Кожемякининг ҳаёти». Телевизион бадиий фильмнинг учинчи серияси. **20.10** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Узбек тилида: **20.20** Телевизион янгиликлар. **20.35** Халқ талантлари. «Назиржон НАЗАРОВ». **21.25** «Ишчи —фахрли ном». Телепрограмма.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.00 РСФСРда ўзбек адабиёти ва санъати декадасининг ёпилишига бағишланган тантанали кеча. Кремль съездлар саройидан олиб кўрсатилади. **01.00** Кинопанорама. **02.30** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: **18.00** Болалар учун. «Бўғирсоқ» кинофильм. **18.10** «Кўк бугу», «Айиқ ови». Телефильмлар. **18.40** Совет киносининг 50 йиллиги олдидан. «Ижодий камолот». (Г. Чухрай ва В. Скуйбин) (рус тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Кўрсатувлар программаси **19.50** Янгиликлар. **20.00** Беш йиллик йўлларидан. **20.30** Рангли телевидение программаси. «Иоланта». Бадиий фильм.

1 август ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси

Рус тилида: **18.35** Ўқувчилар учун. «Аммани фестивалга чорлаймиз». **19.10** Телевизион янгиликлар. **19.25** Қурилиш индустрияси. **19.50** Эдита Пьеха куйлайди. **20.25** Кўрсатувлар программаси.

Узбек тилида: **20.30** Телевизион янгиликлар. **20.45** Севимли кино артистлари. «Александр Демьяненко». **22.00** Машина теримини кўзлаб. **22.20** ҒАЙРАТИЙ. Ёзувчининг ижодий портрети.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Янгиликлар. **13.15** Катта ёшдаги ўқувчилар учун эшиттириш. **13.45** Ҳаваскорлик санъати Бутуниттифоқ фестивали лауреати Ереван шиналар заводи маданият саройи ашула ва рақс ансамблининг концерти. **14.45** Ўқувчилар учун эшиттириш. **15.15** Болалар учун телевизион театр. **16.05** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: **22.00** «Чорраҳа». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: **20.00** Классик музика саҳифаларида. **20.30** «Бразилиянинг қизил тупроғи». Ҳужжатли фильм.

Рус тилида: **20.50** Кинофильм. **21.20** «Тугалланмаган симфония». Фильм-спектакль.

Узбек тилида: **18.00** Болалар учун кинофильм. **18.15** «Из ҳикоялари». Бадиий фильм. **19.40** Беш йиллик илғорлари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси **20.00** Янгиликлар. **20.15** Калейдоскоп. **20.45** «Актуал темаларда». Телевизион публицистик очерк. **21.45** Владивосток телестудиясининг программаси. **23.00** Темирйўлчилар кунига бағишланган концерт. **00.30** Рангли телевидение программаси. «Ун уч стул» миниатюралар телевизион театри. **01.30** Москва кўрсатувларининг охири.

Тошкент область ўрта Чирчиқ районидаги Крупская номли 3-ўрта мактаб томонидан **ТУРОПОВ Абдуллажон** номига берилган **146907** сонли йўқолган **ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат** бекор қилинади.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31 VII да **Қайнона**

Кино

31 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Йигит ва қиз — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Қор аёл ҳақида афсона — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кечқурун), «МОСКВА» (кеч 7 да).

Оқ рояль — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Сокин кварталдаги қотиллик — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли (кечқурун)

Доктор Абст тажрибаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Эрамиздан миллион йил илгари — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кеч 7 ярим ва 9 яримда).

1 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

Сокин кварталдаги қотиллик — «ЧАЙКА», «МОСКВА», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Қор аёл ҳақида афсона — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Доктор Абст тажрибаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11-45, кундуз 1-30, 3-15 минут ва 5 да).

Шошилинч никоҳ — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бомбай тун оғушида — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сангам (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4-20 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Дзюдо даҳоси — ТЕЛЬМАН номли.

Сокин кварталдаги қотиллик — «ФЕСТИВАЛЬ».

Икки ўринли қафас — «ХИВА».

САНЪАТ САРОЙИДА
4 августдан

„ТАЙГА ҲУЖАЙИНИ“

номли кенг форматли рангли янги бадиий фильм

НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

«Мосфильм» киностудияси маҳсулоти.

Борис МОЖАЕВ — сценарияси.

Постановкачи — **Владимир НАЗАРОВ.**

Бош оператор — **Владимир НИКОЛАЕВ.**

Ролларда: **Серёжкин** — **Валерий ЗОЛОТУХИН, Нюрка** — **Лионелла ПИРЬЕВА.**

Сеанслар эрталаб соат 11, кундуз 1, ва кеч 9 яримда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Справкалар учун телефонлар 4-20-34, 4-21-74.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 9-ПРОФТЕХНИКА ПОЛИГРАФЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИ

1969-70 ўқув йилига ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти линотипчилар, ҳарф терувчилар, печатниклар, муқовачилар танерлайди.

8 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15-16 ёшли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 3 йил бўлиб, билим юртини тугатганликлари тўғрисида ҳамда ўрта маълумот тўғрисида (10-синф) аттестат оладилар.

Билим юртида ўқиш вақти узлуксиз иш стажига қўшилади.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчилар оепул иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Нурхон кўчаси, 21-уй (7, 9-троллейбуслар, 3, 6, 14, 23, 24, 27, 54-автобусларнинг «Волгоградская» бекати).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 31 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари, Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579. НАШР 2812 Р. 04539